

Душанбеда ШХТ доирасидаги ҳамкорликнинг келгуси устувор йўналишлари белгилаб олинди



Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган ШХТ Экспертлар форумининг XVIII ийғилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори Элдор Арипов иштирокчилар эътиборини давлатимиз раҳбари томонидан ШХТнинг Самарқанд саммитида илгари сурилган ташабbusларни тезкор амалга ошириш мухимлигига қаратди.

Мутахассис ўзаро савдони янада кенгайтириш лозимлигига урғу бераркан, жумладан, "Саммитда Ўзбекистон етакчisi ШХТ доирасида янги иқтисодий мулоқотни йўлга қўйиш асосида саноат ва технология ҳамкорлиги бўйича умумий макон шакллантиришни таклиф қилди", - деди.

Мазкур механизм савдо ва божхона тўсиқларини бартараф этиш, барқарор таъминот занжирини шакллантириш, маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босиш бўйича қўшма дастурлар илгари суришни таъминлаши таъкидланди.

СМТИ директори фикрича, транспорт-логистика инфратузилмасини янада ривожлантириш ҳам мухим аҳамиятга эга.

"Биз бу йил Ўзбекистонда - ШХТнинг биринчи транспорт форуми ўтказиладиган майдонда транспорт йўлакларини ривожлантириш билан боғлиқ барча долзарб масалаларни муҳокама қилиш ниятидамиз", - деди у.

Э.Ариповнинг сўзларига кўра, ҳозирги мураккаб геосиёсий шароитда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш энг долзарб масалалардан бири. ШХТ давлатлари салоҳияти ички бозорни ғалла, чорва ва мева-сабзавот маҳсулотлари, асосий озиқ-овқат турлари билан барқарор равишда таъминлаш имконини беради.

Шу нуқтаи назардан, СМТИ директори Ўзбекистон томонидан меъёрий-ҳуқуқий базани мослаштириш, қўшма тадқиқотлар ўтказиш ва соҳага инновацияни жорий этиш бўйича аниқ чоратадбирлар назарда тутилган "Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг умумий тамойиллари ва ёндашувлари" ҳужжатини ишлаб чиқиш таклиф этилганини таъкидлади.

“Мана шундай ҳаётий масалаларни кенг муҳокама қилиш мақсадида жорий йил Тошкент шаҳрида озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича халқаро конференция ўтказилади ва биз барчани ушбу муҳим анжуманда фаол иштирок этишга чақирамиз, – деди Элдор Арипов.

Тожикистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар маркази томонидан ташкил этилган тадбирда ШҲТга аъзо давлатлар тадқиқот марказлари раҳбарлари ва эксперлари, кузатувчи ва мулоқот бўйича ҳамкор давлатлар таҳлилий институтлари вакиллари, шунингдек, ШҲТ Котибияти ва МАТТ ижроия қўмитаси раҳбарияти – жами 12 давлатдан 60 га яқин мутахассис қатнашди.

Форум сўнгидаги ушбу анжуман раислиги эстафетаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтига ўтди. Демак, XIX йиғилиш 2024 йил мамлакатимизда ўтади.

Манба